

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВА ДИЛДОРА РАВШАНОВНА**

**ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ  
БАҲОЛАШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ (СОЯ МИСОЛИДА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Собирова Дилдора Равшановна**

Ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини  
тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолашни  
илмий асослаш (соя мисолида) ..... 3

**Собирова Дилдора Равшановна**

Научное обоснование медико-биологической оценки  
безопасности генно-модифицированных продуктов  
питания (на примере сои) ..... 23

**Sobirova Dildora Ravshanovna**

Scientific substantiation of the medical and biological  
assessment of the safety of genetically modified food  
(on the example of soybean) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВА ДИЛДОРА РАВШАНОВНА**

**ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ  
БАҲОЛАШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ (СОЯ МИСОЛИДА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib553 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усманов Равшанбек Джахангирович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Худайбергенов Анатолий Сагатбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Азизова Феруза Лютпиллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув бино мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири бу озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши, соғлом овқатланишнинг оқилона меъёрларга мувофиқ келиши, аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори сифатли ва хавфсиз бўлишига эришишдир. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ҳисобига мамлакатимизда «...озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг янги, самарали усулларини излаш аҳолини уларга манзур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг яна бир йўли ҳисобланади...».<sup>1</sup> Ушбу ҳолатда янги ёки ноанъанавий ингредиентлардан фойдаланган ҳолда янги технологиялар бўйича олинган озиқ-овқат маҳсулотларида «... илгари учрамаган, потенциал хавфли манбага эга контаминантлар бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим ва бу маҳсулотлардаги мавжуд хатарни аниқлаш ҳамда хавфсизлик даражасига мос келадиган меъёрларни асослашни талаб этади...»<sup>2</sup>. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гигиеник мезонларини киритиш талаб қилинади, уларни аниқлаш тайёр маҳсулотда шу ёки бошқа бирикмаларни потенциал хавфлиликни баҳолаш учун маълумотлар базаси узок вақт давомида тўплаш давомидаги маълумотлар асосида олиб борилиши лозим. Ҳозирги кунда янги хом ашё манбалари, шу қаторда ген-модификацияланган (ГМ) маҳсулотларни, янги технология бўйича олинган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган тиббий-биологик асоратларни ишончли истиқболни белгилаш усуллари йўқлиги, янги авлод кимёвий воситалари билан ишлов бериладиган ўсимликлар билан, шунингдек генетик модификация жараёнида нима ҳодиса рўй бераётгани ҳақида ишончли далиллар мавжуд эмаслиги, шу муносабат билан келажакда инсон организмига қандай таъсир қилишини ҳеч ким аниқ айта олмаслиги ва уни баҳолаш соҳа олимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлиги, ген-модификацияланган соянинг тажриба ҳайвонлари организмига мутаген, эмбриотоксик, канцероген ва гонадотоксик таъсири, ҳамда биокимёвий ва гематологик кўрсаткичларига таъсирини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ген-модификацияланган соянинг лаборатория ҳайвонларига таъсири натижалари, ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмнинг зарарланишини тажрибада баҳоловчи биологик маркёрлар ва тиббий-биологик хавфсизликни баҳолаш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни асослаш, гигиеник меъёрлар ишлаб чиқиш каби жиҳатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

<sup>1</sup> Андреев С.П. Аграрно-пищевые технологии – путь к повышению эффективности производства конкурентоспособности отечественной пищевой продукции. – М., 2017.

<sup>2</sup> Роева Н.Н. Безопасность продовольственного сырья и продуктов питания. – М., 2009.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни татбиқ этиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом овқатланиш орқали аҳоли орасида касалланишни камайтириш, узок умр кўриш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги 102-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Генетик модификацияланган организмлар (ГМО) – ўсимлик ёки ҳайвонот организмлари бўлиб, уларнинг генотиби табиат учун табиий бўлмаган ген инженерия усулида ўзгартирилади (гербицидлар, зараркунандалар, касалликлар ва шўрланишга, юқори ва паст ҳароратлар таъсирига бардошли бўлиши, ҳосилдорлик ошиши), атроф-муҳитнинг органик ифлосланиши ва оғир металллардан тозалаш муаммоларини ҳал этиш ёки ўсимлик организмда аниқланган бирикмалар синтезини таъминлаш ва бирикмаларни ишлаб чиқаришда (жумладан, фармакологик препаратлар), ўсимликлардан фойдаланишнинг аҳамияти катталиги аниқланган (Ермакова И.В., 2005; Кинвер М., 2008). 1996 йилдан 2014 йилгача ген-модификацияланган (ГМ) экинлар билан банд бўлган майдонлар кўлами 100 каррадан кўпроқни (1,7 млн дан 181,5 млн гектаргача, дунё бўйича олинган экиладиган майдонларининг 13% кўпроқни), ГМ ингредиентлар сақловчи озиқ-овқат маҳсулотлари 1 трлн тоннани ташкил этди. Бу ўсимликлар 27 давлатда, шу жумладан АҚШ, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Канада ва ХХР етиштирилади (Global Status of Commercialized Biotech/GM Crops, 2013).

---

<sup>3</sup>«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.

ГМ-технологиялардан фойдаланиш очарчилик муаммосини ҳал этилмаслиги баробарида аҳоли саломатлиги ва сайёра келажагига таҳдид солиши асосланган (Кинвер М., 2008). Ҳозирги вақтда тижорат бозорида соя, пахта, маккажўхори ва рапс каби биотехнологик экинларнинг асосий глобал истикболи таъминланмоқда. Бундан ташқари буғдой, шоли, беда, папая, қовоқ, картошка, помидор, қанд лавлаги ва қулупнайлар ҳам шу қаторга қўшилмоқда (ISAAA, 2014). ГМ ўсимликлар учун ишлатиладиган захарли кимёвий моддаси глифосат одам организмига озик-овқат маҳсулотлари билан тушиб, ошқозон-ичак нормал микрофлорасига салбий таъсир кўрсатади ва дисбактериоз чақиради. Шу сабабли юқумли касалликлар пайдо бўлишига бўлган қаршилигини камайтиради, вақт ўтиши билан ёмон сифатли ўсмалар, юрак-қон томир ва эндокрин тизимини зарарлаши баробарида, аутизм, бепуштлиқ ва Альцгеймер касаллигига олиб келади. Инсон ГМ соя ва маккажўхорини истеъмол қилганда буйрак ва жигар патологияси келиб чиқиши, яъни улар ўлчамлари кичрайиши, яллиғланиш жараёнлари ривожланиши ва оксилнинг қонда аномалия даражасигача камайиши намоён бўлган (GM Feed Toxic, New Meta-Analysis Confirms. 2011). Швецияда ГМ маҳсулотлар тақиқланганлиги сабабли аллергия касалликлар аҳолининг 7% да учраса, АҚШда бу кўрсаткич 70% ни ташкил этади (Jayasumana C. et al., 2014).

Ўзбекистонда турли юқумли ва соматик касалликларни даволаш ва олдини олишга мўлжалланган озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг самардорлигини баҳолашга қаратилган илмий ишлар олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган (Г.И.Шайхова, 2016, 2017; Н.Ж.Эрматов, 2001, 2017; Б.Б.Рахимов, 2016; Б.Б.Рустамов, 2018; Д.Ш.Алимухамедов, 2018). Бироқ ГМ маҳсулотларининг организмга алоҳида таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шунининг илоҳидида таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ГМ маҳсулотларининг узоқ муддатли таъсири натижаларини баҳолаш, ушбу диссертация тадқиқотининг ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг АДСС–15.17.4 «Озик-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини баҳолаш учун зарур бўлган одам организми ички муҳитининг турли табиатли контаминантлар билан ифлосланиш биомаркёрлари тизимини ишлаб чиқиш» (2015–2017 йиллар) Давлат амалий грант лойиҳаси режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ген-модификацияланган озик-овқат маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлигини ген-модификацияланган соя мисолида тажрибада баҳолашни илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ген-модификацияланган соя унининг тажриба ҳайвонлари биринчи ва иккинчи авлодлари организмига мутаген, эмбриотоксик ва канцероген таъсирини баҳолаш;

ген-модификацияланган соя унининг тажриба ҳайвонлари биринчи ва иккинчи авлодлари организмга гонадотоксик таъсири ҳамда биокимёвий, гематологик кўрсаткичларига таъсирини қиёсий баҳолаш;

ген-модификацияланган соя унининг лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига таъсири натижаларини қиёсий баҳолаш;

ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмнинг зарарланишини тажрибада баҳоловчи биомаркёрлар ва тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 24-сон ген-модификацияли соя уни, 157 та оқ зотсиз каламушлар, қон намуналаридан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба ҳайвонлари овқат рационига ген-модификацияли соя уни киритилган ва киритилмаган, мутаген, эмбриотоксик ва канцероген таъсири, биокимёвий ва гематологик кўрсаткичларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун экспериментал, биокимёвий, гематологик, морфологик, таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тажрибада ген-модификацияланган соя унининг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолашнинг босқичма-босқич тизими ишлаб чиқилган;

илк бор ген-модификацияланган соя унининг оқ зотсиз каламушлар биринчи ва иккинчи авлодларига мутаген, эмбриотоксик, канцероген таъсири исботланган;

ген-модификацияланган соя унининг тажриба ҳайвонлари биринчи ва иккинчи авлодлари қони гематологик, биокимёвий кўрсаткичларига салбий таъсири ҳамда жигар ва талоғида морфологик ўзгаришларга олиб келиши исботланган;

тажрибада ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмнинг кимёвий ва биологик табиатли контаминантлар билан зарарланишини тиббий-биологик жиҳатдан баҳоловчи таъсир биологик маркёри - иммуотропик индекси, токсик сифатини баҳолаш учун самара биомаркёри - инфузория поликултуралари ёрдамида биотест ўтказиш тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тажриба ҳайвонлари организмга ген-модификацияланган 24-сон соя унининг мутаген, эмбриотоксик, гонадотоксик таъсири бўйича гигиеник талаблар тавсия этилиши баробарида ушбу маҳсулотнинг аҳоли тамонидан истеъмол қилиниши тавсия этилмаган, бундан келиб чиққан ҳолда ГМ-маҳсулотлар истеъмол қилиниши мумкин бўлган аҳоли орасида овқатланишга боғлиқ бўлган касалланиш даражаси ва ривожланиш хавфи пасайтирилган;

озиқ-овқат маҳсулотлари тиббий-биологик хавфсизлигини ўрганиш услубияти яхшиланган, бу ўз навбатида гигиенистларга аҳоли томонидан ГМ-маҳсулотлар истеъмол қилинишини чеклашни бўйича хулосалар беришга кўмаклашган;

биринчи марта ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган таъсир ва самара биологик маркёрлари ёрдамида ГМ-маҳсулотлар хавфсизлигини тиббий-биологик баҳолаш самарадорлиги оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** оқилона назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланганлиги; етарлича миқдорда текширувдан ўтказилган тажриба ҳайвонлар сонидан фойдаланган; ўзаро бир-бирини тўлдирувчи замонавий гигиеник, тажрибавий, биокимёвий, гематологик, морфологик, аналитик ва статистик тадқиқот усулларининг қўлланиши; хориждаги ҳамда мамлакатимиздаги муаллифлар илмий ишларининг қиёсий таҳлили ўтказилганлиги билан тасдиқланади; хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган. Барча рақамли маълумотлар, жумладан ўтказилган тажрибавий тадқиқотларни баҳолаш натижаларига замонавий компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГМ-маҳсулотларининг тажриба ҳайвонлари организмнинг турли органлари ва функционал тизимларига патогенетик механизмларининг айрим жиҳатлари аниқлаш билан ифодаланган. Услубий тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар республика аҳолисининг овқатланиш сифатини яхшилашни таъминлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг, шу жумладан ГМ-маҳсулотларнинг мутагенлик, эмбриотоксик, канцерогенлик таъсирлари организм турли аъзоларидаги морфологик ўзгаришлар, гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар тўғрисида олинган маълумотлар, тиббий-биологик хавфсизликни баҳолаш учун биологик маркёрлар ишлаб чиқиш, санитария шифокорлари, озиқ-овқат саноати мутахассислари, илмий ходимлар учун мўлжалланган. Озиқ-овқат маҳсулотларини тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган усуллар, тадқиқот услубияти ва аниқ тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиёти учун катта аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГМ-маҳсулотларини озуқавий ва биологик қийматини баҳолашга қаратилган. Олинган натижалар асосида ГМ-маҳсулотларини тиббий биологик хавфсизлигини аниқлаш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган тавсияномалар тадбиқ этилишида, аҳоли овқат рационали таркибида ГМ-маҳсулотларини хавфсизлигини баҳолаш, озуқавий ва биологик қиймати тизимини асослашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолашни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/90-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини озуқавий, токсикологик, эмбриотоксик, физик-кимёвий ва тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш имконини берган;

ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш самарадорлигига эришиш бўйича олинган илмий натижалар Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар Яшнобод туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Хоразм вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 февралдаги 8н-з/15-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар тажрибавий ген-модификацион сояни организмга мутаген, эмбриотоксик ва гонадотоксик таъсири ҳар бир генли модификацион маҳсулотни тиббий-биологик хавфсизлигини ўрганишни ўтказишда тажриба ҳайвонлари таннарини тежаш, тажрибага кетадиган вақтдан ютиш, қайта изланишларга кетадиган харажатларни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражаси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилигига асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолашни илмий асослашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида илмий манбалар ёритилган бўлиб, бунда мавзунинг долзарблиги, ГМ-маҳсулотларининг кимёвий таркиби, биологик ва озиқавий қиймати ген-модификациянинг хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари асосида хавфсизлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. ГМ-маҳсулотларининг аҳоли овқат рациона таркибига киритиш маҳсулотларини қўллаш, профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «Ген-модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотларини тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолашнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган материал, шунингдек, асосий мутаген, канцероген, эмбриотоксик, гонадотоксик, морфологик, биокимёвий, гематологик ва статистик текширув усуллари ҳақидаги маълумотлар баён этилган. ГМ-маҳсулотларнинг организмга ижобий ёки салбий таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибавий тадқиқотлар оқ зотсиз каламушларда амалга оширилди. ГМ-маҳсулот сифатида эса чет элда етиштирилган ва мамлакатимизга фақат илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун киритилган соя ўсимлиги ундан фойдаланилди; аниқ фарқлаш мақсадида 24-сон соя унига номи берилди. Илмий-тадқиқот ишини бажаришда тажрибавий тадқиқотлар учун оғирлиги 150–180 г бўлган жами 157 та оқ зотсиз каламушлар (69 та эркак ва 88 та урғочи) жалб қилинди. Барча лаборатория жониворлар битта ҳайвонлари кўпайтириладиган жойдан олинган. Тадқиқот давомида оқ зотсиз каламушларнинг учун ёши эркаклар 8-9 ҳафта, урғочилар 10-11 ҳафта. Лаборатория жониворлар тажрибага жалб қилинишидан олдин 21 кун карантинда тутилди, сўнгра махсус жавонларга ўрнатиладиган қафасларда, ҳар битта қафасда 6 тадан каламуш жойлаштирилди.

ГМ-маҳсулотларнинг мутаген хусусиятларини ўрганиш. Доминант летал мутациялар – ота-она пушт хужайраларига индуцирланган ва ривожланишининг эмбрион палласида наслнинг биринчи авлоди ўлимига олиб келадиган генетик ўзгаришлар ўрганилган. Доминант леталларнинг катта қисми хромасомаларнинг микдорий ва таркибий абберациялари бўлиб, қисман улар ген мутациялари кўринишида тақдим этилган.

Ген-модификацияланган 24-сон соя унининг мутаген таъсирини ўрганиш ва баҳолаш тажрибада биринчи, иккинчи ва учинчи авлод эркак ва урғочи оқ зотсиз каламушларда ўтказилди. Ҳар бир назорат ва тажриба гуруҳларида генетик жиҳатдан бир ҳил бўлган жониворлар, ҳар гуруҳда 8 тадан ишлатилди.

Тажрибада ишлатилган лаборатория жониворлари 4 та репрезентив гуруҳларга бўлинди: 1-гуруҳ (назорат) – барча ҳайвонлар 30 кун давомида умумий виварий рациониди сақланди; 2-гуруҳ – эркак каламушлар умумий виварий рациониди, урғочи каламушларга эса умумий виварий рационига 30 кун давомида 24-сон соя уни кўшимча киритилган (1 кунда 1 та каламушга 0,02–0,03 г); 3-гуруҳ – урғочи каламушлар умумий виварий рациониди, эркак каламушларга эса умумий виварий рационига 30 кун давомида 24-сон соя уни кўшимча киритилган (1 кунда 1 та каламушга 0,02–0,03 г); 4 гуруҳ – эркак ва урғочи каламушлар умумий виварий рационига 30 кун давомида 24-сон соя уни кўшимча киритилган (1 кунда 1 та каламушга 0,02–0,03 г). Тажриба ҳайвонлари бир-бири билан ёши, жинси, тана оғирлиги ва сақланиш шароитлари бўйича фарқлар бўлмади. Жами 30 кун давомида умумий рационга қўшилган тест маҳсулот истеъмолидан кейин ҳар бир тажрибадаги ёки назоратдаги эркак каламуш ёнига 2-3 тадан назорат ва тажрибадаги урғочилар қўшилди. Эркаклар ёнига ўтказиш 3 ҳафта давомида сперматогенезнинг 3 босқичида ўтказилди: 1-ҳафта етилган сперматозоидга мос келди; 2-ҳафта кечиктирилган сперматидларга мос келди; 3-ҳафта эрта ва ўрта сперматидларга мос келди.

Бундай тақсимлаш сперматогенезнинг 3 босқичи бўйича доминант леталликни таҳлил қилиш учун керак. 3 ҳафта ичида ҳомиладор урғочи каламушлар ҳомиласи эмбрионал ўлими етук сперматозоидлар ва сперматидаларда етилишнинг турли муддатларида юз берадиган мутацион ҳодисалардан дарак беради. Натижалар тажрибаларнинг бир неча серияларидан олинди. Серия сифатида 30 кун давомида тест маҳсулот истеъмол қилган ёки қилмаган эркак ва урғочи каламушлар гуруҳи қабул қилинди.

ГМ-маҳсулотларнинг эмбриотоксик хусусиятларини ўрганиш. Эмбриотоксик таъсир – тажрибада ўрганилаётган модданинг лаборатория ҳайвонлари ривожланаётган эмбрионларига салбий таъсир қилиш хусусияти ўрганилган. Жониворларнинг сурункали заҳарланишини келтириб чиқарадиган доза ва концентрацияларни реал шароитда учрайдиган доза ва концентрациялар билан таққослаш одамларнинг сурункали заҳарланиши хавфи туғилиши истиқболлини белгилаш имконини яратилган. Тажрибавий тадқиқотларда эмбриотоксик таъсир кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланган: озик-овқат маҳсулоти билан боқиш тавсифи; тажрибаларга жалб қилинган урғочи ҳомиладор оқ зотсиз каламушни ҳомиладорлигининг 21-кунида жонсизлантирилиб, ёриб кўриш; ёриб кўрилган ҳомиладор урғочи ҳайвонлар миқдори; битта урғочига тўғри келадиган сариқ таналар ўртача миқдори; меъёрда ривожланаётган эмбрионлар миқдори; резорбция қилинган ҳомиладорлар миқдори; муддатида туғилиш. Тажрибага жалб қилинган жониворлар 3 гуруҳга бўлинди (назорат, тажриба ва солиштириш гуруҳлари). Назорат гуруҳи (эркак ва урғочи) лаборатория ҳайвонлари тажриба давомида умумий виварий рационда бўлишди. Солиштириш гуруҳи (эркак ва урғочи) лаборатория ҳайвонлари умумий рационга кўшимча ген-модификацияланган 24-сон соя унининг агравирланган технологик дозасини 10 баробар кўшимча олишди. Эркак ва урғочи оқ зотсиз каламушлар солиштириш гуруҳи лаборатория ҳайвонлари умумий виварий рационга 24-сон соя уни агравирланган технологик дозаси кўшимча сифатида аралаштириб берилди. Тажриба гуруҳи (эркак ва урғочи) лаборатория ҳайвонлари умумий рационга кўшимча ген-модификацияланган 24-сон соя унининг технологик дозасидан 10 баробар камини олишган. Жониворлар шу рационда кўшилгунга қадар, кўшилиш пайтида, ҳомиладорлик пайтида ва лактация даврида 30 кун бўлишди. Ҳосил бўлган насл шу рационларда вояга етгунга қадар боқилди. Кўшилиш учун кечкурун қафасга 2 урғочи ёнига 1 эркак қўйилган, эрталаб қиндан олинган суртмаларда микроскопик текширув ўтказилди. Ҳомиланинг биринчи куни нормал циклдаги урғочи қин суртмасидаги сперматозоидларни аниқлаб ҳисобланди. Сперматозоид топилганда маркировка қилинди, каламушнинг тана оғирлиги аниқланди, кейин алоҳида қафасга олинди ва ҳомила даври кузатилди. Ҳомиладорликнинг 1-кунидан 21-кунига қадар ўрганилаётган маҳсулот билан боқилди, ҳомиладор жониворнинг 1-, 8-, 14- ва 21-кунидаги тана вазни аниқланди. 24-сон соя унининг эмбриотоксик таъсирини ўрганиш учун тажрибага 35 та оқ зотсиз каламушлар олиниб, улар икки гуруҳга бўлинди: назорат (n=16) ва тажриба (n=19). Урғочиларда ҳомиладорлик бошланишини аниқлаш учун урғочиларнинг қинида сперматозоид мавжудлиги юқорида келтирилган усуллар ёрдамида аниқланди.

ГМ-маҳсулотларнинг гонадотоксик хусусиятларини ўрганиш. Гонадотоксик хусусият асосан оқ зотсиз каламушларнинг эркагида ўрганилади. Гонадотоксик таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибага жалб қилинган барча каламушлар 2 гуруҳга бўлинди: тажриба гуруҳи (35 та эркак ва 25 та урғочи) умумий рационга ўрганилаётган маҳсулот 24-сон соя унини қўшиб берилган; назорат гуруҳи (10 та эркак ва 10 та урғочи) 24-сон соя уни қўшилмаган ҳолда фақат умумий рацион қўлланилди. Бунда ўрганилаётган ген-модификацияланган 24-сон соя унининг уруғдонига таъсири аниқланди. Ушбу хусусият қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланди: уруғдонлар визуал кузатилди; лаборатория ҳайвонлари умумий ҳолати ва ўзини тутиши эътиборга олинди; эркак оқ зотсиз каламушларнинг уруғлантира олиш хусусияти ўрганилди; ҳайвонлар ёриб кўрилганда улар уруғдонларини макроскопик ва микроскопик кузатилди.

ГМ-маҳсулотларнинг морфологик таъсири хусусиятларини ўрганиш. Лаборатория ҳайвонлари аъзо ва тўқималарининг морфологик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш учун макроскопик ва гистологик усуллар қўлланилди. Макроскопик усулнинг моҳияти тажриба охирида тажрибаларга жалб қилинган оқ зотсиз каламушларни ёрганда улар кўкрак ва қорин бўшлиқларида жойлашган аъзоларни, зарур бўлганда, бош миясини визуал кузатишдан иборат. Тадқиқот давомида аъзонинг жойлашиши, паренхимаси ҳолати, ўлчамлари, консистенцияси ва рангига эътибор берилади. Бундан ташқари аъзоларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши, плеврал ва қорин бўшлиғида экссудат борлиги, йирик ва кичик қон томирлари ҳолатига ҳам эътибор қаратилади. Биз тадқиқот давомида тажрибаларга жалб қилинган оқ зотсиз каламушлардаги макроскопик тадқиқотлар СанҚваМ 0185-05-сон асосида олиб бордик. Макроскопик (морфологик) тадқиқотлар ўтказиш учун биринчи авлод ҳафвонлари 2 гуруҳга бўлинди: тажриба гуруҳи – биринчи авлод зотсиз оқ каламушлари (n=52) умумий виварий рационига ген-модификацияланган 24-сон соя уни ҳар бир каламушга 0,02–0,03 г дан 30 кун давомида берилди; назорат гуруҳи – ген-модификацияланган 24-сон соя уни қўшилмай, умумий рацион билан озиқланган биринчи авлод зотсиз оқ каламушлари (n=17). Кузатишнинг 31-кунида барча тажрибага жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари жонсизлантирилди ва ёриб текширилди.

ГМ-маҳсулотларнинг қон биокимёвий ва гематологик кўрсаткичларига таъсири хусусиятларини ўрганиш. Лаборатория ҳайвонлари қони биокимёвий таҳлили лаборатория амалиётида кенг қўлланилаётган умумқабул қилинган биокимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилди. Улар қони гематологик кўрсаткичларини аниқлаш ҳам анъанавий лаборатория усуллари ёрдамида амалга оширилади. Барча биокимёвий ва гематологик тадқиқотлар Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ клиник-биокимёвий лабораториясида амалга оширилди.

Тадқиқот маълумотларига статистик ишлов беришда вариацион статистик миқдорларни (M), ўртача арифметик миқдорларнинг хатосини ( $\pm m$ ) ва нисбий миқдорларни (частота %) ҳисоблаб чиққан ҳолда фойдаланилган. Ўртача миқдорларни таққослашда ҳосил бўлган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ҳатолик эҳтимоли (P) ни ҳисоблаб чиққан ҳолда Стьюдент мезони (t) бўйича аниқланган.

Статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ўзгаришлар учун  $P < 0,05$  ишончлилик даражаси қабул қилинган. Бунинг учун тиббий-биологик тадқиқотларни статистик ишлаш мақсадида махсус яратилган «Excel» дастури қўлланилди.

Диссертациянинг «**Янги технологиялар асосида олинган ген-модификацияланган маҳсулот: соя унини текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида тажриба ҳайвонларига ген-модификацияланган 24-сон соя унининг таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, инсон саломатлигига хавfli микроэлементлар – кўрғошин, арсений, кадмий, симоб ва радионуклидлар –  $^{137}\text{Cs}$ ,  $^{90}\text{Sr}$  СанҚваМ 0283–10-сонда келтирилган меъёр кўрсаткичларидан ошмади. Агар хавfli микроэлементлар умуман аниқланмаган бўлса, радионуклидлар меъёр чегараларида аниқланди. Ўрганилаётган ушбу маҳсулот инсон организми учун зарарли афлатоксин В1, ГХЦГ ( $\alpha$ -,  $\beta$ -,  $\gamma$ -), ДДТ, ДДД ва ДДЕ ҳамда патоген микроорганизмлар (*Salmonella* spp., *S.aureus*, *L.monocytogenes*, *K.pneumonia*, *E.coli*) ва замбуруғлар (моғор, ачитқи замбуруғлар) хавфсиз эканлиги исботланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра ген-модификацияланган 24-сон соя унининг озуқавий қиймати ва витамин таркиби ген-модификацияланмаган маҳсулотлардан фарқ қилмади.

Олинган натижалардан сўнг ГМ-маҳсулотда (24-сон соя уни) ГМО борлигини аниқлаш диққатимизни тортди. Бунинг учун маълум вақтда ГМО ўсимлик манбалари ёрдамида 24-сон соя уни сифат ва миқдорий текшириш мақсадида полимераза занжирли реакция (ПЗР) усули ёрдамида тадқиқотлар ўтказилди. Таққослаш мақсадида 24-сон соя уни билан бирга гени модификацияланмаган соя уни текширишдан ўтказилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### 24-сон ген-модификацияланган ва табиий соя унларини ПЗР усули ёрдамида олинган қиёсий кўрсаткичлари

Намуна номи	Рекомбинантцияланган ДНК	
	терминатор NOS	промотор 35S+FMV
1-намуна – 24-сон соя уни	аниқланмади	аниқланди
2-намуна – табиий соя уни	аниқланмади	аниқланмади

Биз томондан ПЗР усули ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар 35S+FMV промотрининг аниқланишига олиб келди. Текширилаётган 24-сон соя унининг ген-модификацион маҳсулот эканлигининг тасдиқлайди.

Ген-модификацияланган 24-сон соя унининг мутаген таъсирини ўрганиш ва баҳолаш. Маҳсулотнинг мутагенлик хусусияти бўйича доминант летал мутациялар даражасининг асосий кўрсаткичи бўлиб, ўлик эмбрионларнинг тирик ва ўлик эмбрионлар йиғиндисига нисбатини акс этувчи постимплантацион йўқотишлар даражаси хизмат қилди.

Экспериментлар сериясида назорат эркак ва назорат урғочилар (1-гуруҳ) биринчи авлод гуруҳида солиштирганда 2, 3 ва 4 тажриба гуруҳдаги эркак каламушлар биринчи авлод гуруҳида 100% ҳомиладорлик қилиш қобилиятига эга эканлиги аниқланди. Назорат ва тажриба гуруҳлардаги биринчи авлод урғочиларнинг туғилган каламушчалар сони сезиларли даражада фарқ қилмади (5–9 тадан эмбрионлар). Тажриба 3- ва 4-гуруҳларда куйидаги хусусиятлар кузатилди: ҳомиладорликнинг нисбатан кеч кузатилиши; тирик эмбрионлар билан бир қаторда ўлик эмбрионларнинг туғилиши; туғиш жараёнининг (2 кунгача) назоратдаги урғочиларга қараганда кўпроқ (1 соат) чўзилиши. Ундан ташқари тажриба гуруҳларига киритилган урғочиларда ҳомиланинг кечиши «ёмон» кўрсаткичларидан бири биринчи авлод ҳомиладор урғочиларнинг ўлим кўрсаткичидир. Агар 1-гуруҳда ҳомиладор урғочилар ўлими кузатилмаган бўлса, 2-гуруҳда  $60 \pm 20,0\%$ , 3-гуруҳда - 100%, 4-гуруҳда -  $66,7 \pm 16,7\%$  ни ташкил этди. Тажриба гуруҳлардаги ўлган ҳомиладор урғочилар ёриб кўрилганда етилган эмбрионлар сони 5–9 тани ташкил этди. Фертил урғочилар фоизи назорат гуруҳига (0%) нисбатан ошганлиги кузатилди; 2-гуруҳда 17% гача, 3-гуруҳда 50% гача ва 4-гуруҳда 25% гача бўлган ҳолат кузатилди. Тадқиқотнинг кейинги босқичида юқоридагига ўхшаш тадқиқотлар оқ зотсиз каламушларнинг иккинчи авлоди билан ҳам ўтказилди. Улар гуруҳларга биринчи авлод лаборатория ҳайвонлари каби тақсимланди, тадқиқотлар ҳажми ҳам иккинчи авлодда биринчи авлод каби ўтказилди. Тадқиқотлар яқунлангач, тажрибалар учинчи авлод ҳайвонлари орасида ҳам ўтказилди. Тадқиқот усули ва бўлиниш гуруҳлари бир хил бўлди. Гуруҳларга жалб этилган каламушлар сони тадқиқотлар учун етарли эди, шунинг учун бу наслга алоқадор бўлмаган бошқа ҳайвонлар гуруҳларга қўшилмади.

Ген-модификацияланган 24-сон соя унининг мутаген таъсирини баҳолаш бўйича олинган натижалар шуни кўрсатдики, тажрибада доминант летал мутациялар иккинчи ва учинчи авлод оқ зотсиз каламуш урғочилар фертил ва ҳомиладор бўлиши даражаси жуда яқин бўлди, маълумотлар авлодлар орасида сезиларли даражада фарқ қилмади ( $P > 0,05$ ).

Ген-модификацияланган 24-сон соя унининг эмбриотоксик хусусиятини ўрганиш натижалари. Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги 24-сон соя уни қўшилмаган умумий рацион олган биринчи авлод эркак ва урғочиларнинг 11 нафар урғочидан текшириш натижасида 8 тасида сперматозоид аниқланди. Улар қинидан олинган суюқликнинг хиралашганлиги ва микроскопик текширилганда натив препаратда бир нечта сперматозоидлар (2 тадан 5 тагача) мавжудлиги билан тавсифланади. Бироқ 30 кун давомида умумий виварий рационига ген-модификацияланган 24-сон соя унини қўшиб истеъмол қилган тажриба гуруҳининг каламушлари қўшилишда фарқли маълумотлар олинди: қинида сперматозоидлар мавжудлигини ўрганишда 14 та урғочидан 4 та урғочисида ( $28,6 \pm 12,1\%$ ) тортиб олинган суюқликнинг хиралашганини ва микроскопик изланишда натив препаратда сперматозоидлар (1 дан 2 гача) мавжудлиги аниқланди.

Демак, тажриба гуруҳида ҳомиладор урғочилар сони 2 маротаба кам бўлди. Улар ҳомиладорлиги бошланган муддатни журналда қайд этиб, бошқа қафасга жойлаштирилди. Рационга 24-сон соя уни қўшилганда (қўшилишдан 30 кун олдин ва қўшилиш кунидан бошлаб овқатланганда) фертил урғочилар сони  $64,3 \pm 12,8\%$  ни ташкил этди, улар назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан юқорироқ бўлди –  $27,3 \pm 13,4\%$  ( $P < 0,001$ ). Гуруҳлар орасида фарқларнинг ишончлилиги урғочи каламушларда ҳомиладорлик бошланиш пайтидан белгиланди:  $72,7 \pm 13,5\%$  1-гуруҳга қарши  $35,7 \pm 12,8\%$  2-гуруҳда ( $P < 0,001$ ). Аниқландики, тукқан урғочилар кўрсаткичига эътибор қаратилса, назорат гуруҳида фоиз тажриба гуруҳига нисбатан 3,4 марта кўпроқ –  $72,7 \pm 13,4$  га қарши  $21,4 \pm 10,9\%$  ( $P < 0,001$ ). Ҳомиладор каламушлар умумий сонидан 2 та урғочи ўлди ёки  $14,3 \pm 9,3\%$  ни ташкил этди, назорат гуруҳида ўлган ҳомиладор урғочилар бўлмади. Наслнинг постнатал ривожланишига ген-модификацияланган 24-сон соя унининг таъсирини ўрганиш натижалари бири-бирига яқин бўлгани аниқланди. Назорат гуруҳидаги ( $n=8$ ) ҳомиладор каламушлардан 39 та каламушча туғилди (ўртача битта урғочига - 4,9), тажриба гуруҳидаги ( $n=3$ ) ҳомиладор урғочилар эса 9 та (ўртача битта урғочига - 3,0) каламушча туғилди. Гуруҳлар орасидаги фарқ фақат туғилган каламушларнинг сонидан эмас, балки тажриба гуруҳида назорат гуруҳига қараганда туғишнинг давом этиш вақти ҳам кўпроқ бўлди (икки кунгача). Иккала гуруҳда ҳам ўлик туғилган каламушлар бўлмади. Назорат гуруҳи ва тажриба гуруҳлари орасида бошқа фарқлар аниқланмади. Туғилган каламушлар физиологик ривожланишининг барча кўрсаткичлари бўйича (ташқи кўриниши; туғилгандаги оғирлиги; туғилганларнинг тана узунлиги; оғирлик ва бўйи ўсиш динамикасида (маълум муддатда оғирлиги ва бўйининг ўзгариши); қулоқ супраси кўчиш муддати; кўзларнинг очилиши; тишларининг ёриб чиқиши; жун билан қопланиши; қафасда мустақил ҳаракат қилишни бошлаш даври; озиқ истеъмол қилиши) ўрганилаётган маҳсулотнинг туғилган каламушларга эмбриотоксик таъсири кузатилмади, олинган қиймат натижалардан ўзгаришлар аниқланмади ( $P > 0,05$ ). Туғилган барча каламушлар (39 та назорат ва 9 та тажриба гуруҳларидан) соғлом ва фаол бўлишган ва умумий овқатланишда мустақил овқатланишганлиги сабабли каламушларнинг яшовчанлиги инобатга олинган.

Тажриба ҳайвонлари иккинчи ва учинчи авлодлари кузатилганда натижалар худди шундай кўрсаткичга эга бўлди.

Ген-модификацияланган 24-сон соя унининг гонадотоксик таъсирини ўрганиш. Тажриба гуруҳининг ( $n=35$ ) 100% эркаларида 24-сон соя уни (бир кунда ҳар каламушга 0,2–0,3 г дан) билан овқатлантиришнинг 12-кунда эркак каламушларнинг уруғдонидан яллиғланиш кўрсаткичлари – шиш ва қизариш кузатилди. Бу эркак каламушлар умумий аҳволининг ёмонлашуви билан кузатилиб, ҳаракатланиш, иштаҳа ва ташқи таъсирга қарши реакциялар пасайиши, хурпайиш билан намоён бўлди. Назорат гуруҳида ( $n=20$ ) худди шундай биринчи авлод тажриба гуруҳидаги ( $n=25$ ) урғочиларда ҳеч қандай ўзгариш қайд этилмади.

